



Сайтимизга ўтиш учун  
QR-кодни телефонингиз  
орқали сканер қилинг.



# Маҳалла

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

## КУН НАФАСИ



## Яшараётган ва яшнаётган Гулистон

Сунгги йилларда Гулистон шаҳри бунёдкорлик ишлари натижасида кун сайин кўркамлашиб, янгица қиёфа касб этаёттир.

— Авваллари Гулистон шаҳрида ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида айрим камчилик ва нуқсонлар кўзга

ташланарди, — дейди «Тараққиёт» маҳалласи раиси Абдурашид Абдурашидов. — Чунотчи, ер ости сизот сувларини бир мезгилда сақлашга имкон берадиган коллекторлар носоз аҳволда эди. Оқибатда шаҳар атрофида зах сувларнинг кўтарилиши, ернинг шўрланиши юқори бўлиб, ҳар қандай қурилиш ишларини олиб боришга тўсқинлик қилаётганди. Давлатимиз раҳбарининг 2015

йил 9 мартдаги «2015 — 2019 йилларда Гулистон шаҳрида дренаж тизимини янада такомиллаштириш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва ер ости сув сатҳини камайтириш, муҳандислик коммуникация ва ижтимоий инфраструктуранинг ривожлантириш шўрланиши юқори бўлиб, ҳар қандай қурилиш ишларини олиб боришга тўсқинлик қилаётганди. Давлатимиз раҳбарининг 2015

кониини бераёттир.

Шу аснода, аввало, ер ости сув сатҳини пасайтиришга эътибор қаратилиб, сизот сувларини темир йўл ва автомобиль йўли остидан олиб ўтиш учун «ВС-13» ва «ОК-1» коллекторларида қуриш ишлари ниҳоясига етказилди. Шаҳардан оқиб ўтувчи «Дўстлик» каналини таъмирлаш ишлари эса бошлаб юборилди. Дарҳақиқат, канал ўтган йил-

лар давомида таъмирталаб бўлиб қолиб, натижада ернинг юқори шўрланиш даражаси, ер ости сизот сувини кўтарилиши томорқада экин етиштиришга тўсқинлик қиларди. Боғлар яхши ҳосил бермай қўйганди. Режалаштирилган тадбирларнинг пухта амалга оширилиши туфайли кўп йиллардан бери аҳолини қийнаб келган муаммолар барҳам топиб, шаҳарнинг экологик ҳолати яхшиланди. Бугунги кунда канални таъмирлаш-бетонлаштириш ишларининг асосий босқичи бажарилди. Чор-атрофда аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун дам олиш масканлари, сўлим хибонлар барпо этишга киришилди.

— Қурилиб, фойдаланишга топширилган Хотира майдони, биржа ва бизнес марказлари, кемпинг тизимидаги мажмуа, «Маънавият ва маърифат маркази», замонавий вокзал, «Алпомиш» спорт саройи, сузиш ҳавзаси, бокс саройи, маданий-маиший бинолар, бир-бирдан муҳташам тўйхоналар ва бошқа иморатлар шаҳарга ташир буюрганларни ўзига жалб этмай қолмайди, — дейди Фонднинг Гулистон шаҳар бўлими раиси Руслан Бектемиров.

Айни пайтда шаҳарнинг қайси жойига борсангиз, янгилаш фақли баҳорга хос бунёдкорлик, қурилиш ишларига гувоҳ бўласиз. Қўклам нафасига ҳамоҳанг бундай хайрли амалларни кузатиб қалбда ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради.

Тошўлат ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»

## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

### Ўзбекистон хотин-қизлари алоҳида эътибор ва ғамхўрлик оғушида

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб ғазилатлардан. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасида аёллар барча жаҳада ҳавас қилса арзишарли натижаларга эришмоқда.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ЎзА муҳбирлари мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор,

аёлларнинг жамиятимизда тутган ўрни ҳақида чет эллик мухтаassisлар, экспертлар ва сайёҳларга қаратилаётган эътибор,

Ду ЯНЬЦЮНЬ,

Замонавий халқаро алоқалар академияси президенти ёрдамчиси (Хитой):

— Ўзбекистонда хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар, деган алоҳида модда жой олгани диққатга сазовор.

Мамлакатингизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалиб бормоқда. Улар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар билан

суҳбатлашиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Стратегик шериклик даражасига кўтарилган Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланиб бораёттир. Давлатларимиз раҳбарлари ўртасидаги самимий дўстлик, бир-бирига бўлган ҳурмат ва ишонч, шайқолимизнинг ўзаро манфаатли алоқалари натижасида Хитой — Ўзбекистон муносабатларини кенгайтириш, ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасидаги сайё-ҳаракатлар катта самаралар бермоқда.

Ока КУРУМИ,

бадий гимнастика бўйича мураббий (Япония):

— Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилаёттир. Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортининг бир неча тури билан шуғулланиб, соғлом бўлиб улгаймоқда, катта спортга қadam қўймоқда. Мамлакатингизда бадий гимнастика ҳам жадал ривожланимоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбекистон хотин-қизларининг билим ва салоҳияти жуда юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Мамлакатин-

гизда уларнинг ҳар соҳадаги фаолиятини ривожлантириш, илгор ғояларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар кенг жалб қилишга катта эътибор қаратилаёттир. Барча шаҳар ва туманларда бунёд этилган замонавий спорт мажмуаларида қизлар спортининг бир неча тури билан шуғулланиб, соғлом бўлиб улгаймоқда, катта спортга қadam қўймоқда. Мамлакатингизда бадий гимнастика ҳам жадал ривожланимоқда. Ўзбекистон гимнастикачилари халқаро мусобақаларда муваффақият қозонаётгани, юртингизда нуфузли турнирлар мунтазам ташкил этилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

Ўзбек аёллари ғузалиги, меҳрибонлиги, орасталиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Лафофатли қизларнинг юз-қўзида фаровон ҳаётининг мамнунлиги, бахтиёрлиги ҳавасини келтириб боради. Ўзбекистонда хотин-қизлар алоҳида эътибор ва ғамхўрлик оғушида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи, кадр-қиммати юқори эканидан далолатдир.

Фелса РОССЕЛИНИ,

сайёҳ (Италия):

— Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Мамлакатингизга келиб, бу ердаги очикқўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик мавжуд. Мода соҳасида фаолият юри-таётганим боис қаерга бормай, шу соҳага, айниқса, хотин-қизлар либосларига алоҳида эътибор қаратаман. Мамлакатингизда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча

зарур омиллар — иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб интеллектуал ғоялар мавлакатингизга келиб, бу ердаги очикқўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик мавжуд. Мода соҳасида фаолият юри-таётганим боис қаерга бормай, шу соҳага, айниқса, хотин-қизлар либосларига алоҳида эътибор қаратаман. Мамлакатингизда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча

Фелса РОССЕЛИНИ,

сайёҳ (Италия):

— Ўзбекистон ва унинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида кўп эшитганман ва ўқиганман. Мамлакатингизга келиб, бу ердаги очикқўнгил ва меҳмондўст одамлар билан суҳбатлашиб, қалбим қувончга тўлди. Ўзбекистонда сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайлик мавжуд. Мода соҳасида фаолият юри-таётганим боис қаерга бормай, шу соҳага, айниқса, хотин-қизлар либосларига алоҳида эътибор қаратаман. Мамлакатингизда мода ва дизайн соҳасини ривожлантириш учун барча

ларнинг эътиборга сазовор. «Ўзалик салонлари», фитнес клублар ва рақс тўгараклари Ўзбекистоннинг шундоқ ҳам маънавий шаҳарсозлик ананаларини уйғунлаштирган маҳобатли иншоотлар, файзли кўча ва хибонлар, бетакрор маърифат масканларини таърифлашга сўз ожиз.

Ўзбекистонда хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, уй-рўзгор юмушларини енгилаштириш мақсадида қулай ижтимоий-маиший шароитлар ярати-

Тошкентдаги кўплаб диққатга сазовор жойлар, айниқса, музей ва галереялар мени ҳайратта солди. Миллий ва замонавий шаҳарсозлик ананаларини уйғунлаштирган маҳобатли иншоотлар, файзли кўча ва хибонлар, бетакрор маърифат масканларини таърифлашга сўз ожиз.

Ўзбекистонда хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларнинг турмуш даражасини юксалтириш, уй-рўзгор юмушларини енгилаштириш мақсадида қулай ижтимоий-маиший шароитлар ярати-

## ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

### Эзгу туйғу ва амалнинг кўлами кенг

Мамлакатимизда маҳалла тизимини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларни доимо кузатиб бораман. Чунки айнан ана шу гўшада пуғилиб, унинг муҳитида камол топганман. Айниқса, бугунги ёшларнинг ғайрат-шижоати, ақзаковати, билим салоҳияти барчамизни лол қолдирапти.



Улардаги ташаббусни кўриб, билиб туриб қишлоқларимизда юз бераётган ўзгаришларга олдий томошабин сифатида қараб туриш мумкинми? Асло.

Туманимиздаги Ширмонбулоқ, Учтепа, Қулла, Найман қишлоқларида гузарларнинг файзли ва обод бўлаётганини кўриб, юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликка шукрона келтираман.

Бир пайтлар арзиманган ҳужжат-

(Давоми 2-бетда).

## ХУНАРДАН УНАР

### Боқий анъаналар бардавом

Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш орқали аҳолини, айниқса, ёшларни тадбиркорлик фаолиятига ўйналтиришга алоҳида эътибор қаратилаёттир.

Натижада кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлганлар сифати кенгайиб борапти. Айниқса, асрлар давомида сайқал топган миллий хунармандчилик анъаналари тобора ривож топмоқда.

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги «Кулолчи» маҳалласида бўлганимизда бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдик. Мазкур худудда 900 нафарга яқин хунарманд тадбиркор сифатида фаолият юритмоқда. Бунда йилгини қўшилади Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия аъзоларининг муносиб ҳиссаси бор.

— Йилгини ақли азалдан кулолчилик, тандирсозлик билан шуғулланиб келган, — дейди биз би-



лан суҳбатда маҳалла раиси Аҳмад Раҳматов. — Истиқлол йилларида асрий анъаналарни тиклаш борасида амалга оширилган ишлар туфайли маҳалламизда мазкур хунармандчилик тармоқлари тобора кенгайиб бораёттир. Биргина ўтган йилда ко-

миссия аъзоларининг сайё-ҳаракати билан 27 нафар фуқаро яқка тартибда тадбиркор сифатида иш бошлагани фикрини маънавий далоил бўла олади. Уларнинг аксарияти ёшлар.

(Давоми 2-бетда).

## ШОҲСУПА

### Мустаҳкам ирода ва миллий ғурурга таянч

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли бугун ёшларимиз жаҳон ареналарида юртимиз байроғини юксакларга кўтариб, қатор ғалабаларга эришмоқда.

Ўтган йили 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз 165 та халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медални кўлга киритди. Зеро, Давлатимиз раҳбарининг жорий йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг йилги йиғилишида таъкидлаганидек: «Спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларимиз, ёшларимиз-

нинг соғлом қарашларини шакллантиради ва иродасини тоблайдди, уларнинг мард ва жасур инсонлар бўлиб камол топиши, турли-туман синов ва қийинчиликларни мардона енгиб ўтишига қодир бўлиши учун мустаҳкам замин яратадди».

Эндигина 16 ёшни қаршилаган Асадулло Қулболаев ўзи тугилиб ўсган Сирдарё вилоятидаги Бобўят тумани «Лайлакқўл»



маҳалласининг фахрига айланган. У яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, спортнинг қаратилиши билан шуғулланиб эътиборга арзирли натижаларни кўр-

сатаёттир. Албатта, унинг муваффақиятларида фуқаролар йиғини ва фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Яқинда унинг Гулистон шаҳрида ўтказилган каратэ бўйича республика биринчилигида қўлга киритган ютуғидан бутун маҳалла аҳли қувонди. Бугун эса ёш спортчи нафақат вилоят, балки мамлакат фахрига айланадиган улғурди. Учта олтин, тўртта қумуш ва саккизта бронза медали соҳибининг ғалабалари, албатта, маҳалла фаоллари жонкуярлиги, худудда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитнинг ме-

васи, дейиш мумкин.

— Асадуллонинг бу ютуғидан фахрланмай бўладими, — дейди «Лайлакқўл» маҳалласи раиси Ҳабибулла Мансуров. — Спорт мусобақалари бўйича 4 нафар ва фан олимпиадаси бўйича икки нафар совриндоримиз зафарларидан бошимиз кўкка етди. Асадулло маҳалламиздаги бошқа ёшларни ҳам ўз ортидан эргаштирмоқда. Ёшлар ўртасида спорт, илм-фан билан шуғулланишни тарғиб этишда бундай ибратнинг аҳамияти беқийс.

(Давоми 4-бетда).



ЗАМОНАВИЙ ГУЗАР

Янги бино — янги ташаббусга қанот

Поётхатимизнинг Чилонзор туманидаги «Мавзе» маҳалласи фаоллари баҳорнинг ilk кунини замонавий, янгидан таъмирланган, шинам гузарга кутиб олишди.



Бинонинг янги қиёфасини кўриш учун йиғилганлар, хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлимидаги ходимлари, нуруний отахону онахонлар бу ерда зарур шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлишди.

Икки қаватли гузардан раис, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, масъул котиб, «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси раҳбари учун алоҳида хоналар, шунингдек, фуқаролар учун кенг ва ёруғ хона ўрин олган.

да таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Дарҳақиқат, таъмирлаш ишларида фаоллар, маҳалла аҳли бир ёқадан бош чиқаришди. Хусусан, фаоллар томонидан ташкил этилган навбатчилик таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва бекаму кўст якунланишида кўл келди.

Эзуликнинг қаноти бор, деганларидек, ҳомийлар йиғиннинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жумладан, мебель жиҳозлари билан таъминлашга ҳисса қўшишга киришилган. Яқин кунларда бино замонавий жиҳозлар билан бойийди.

Айни пайтда, бино ертўласидаги таъмирлаш ишлари давом этаётир. Йиғин раиси Маҳмуд Дўстовнинг айтишича, таъмирлаш якунига етса, у ерда маҳалла ёшларининг бандлигини таъминлаш мақсадида кураш ва дўлодо тўғарақлари ташкил этилади.

Моҳичехра ЛАТИПОВА «Mahalla»

ДЕМОКРАТИЯ ДАРСХОНАСИ

Эзгу туйғу ва амалнинг кўлами кенг

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳалламиз раиси Баҳодиржон Абдуразоқов билан йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Танзилаҳон Сотволдиева ҳамма ишларга бош-қош.

Ҳозирда маҳалла гузаридagi манзара шаҳарларга бўйлашган. Яқинда 30 нафар ҳамқишлоғим намунали уйлارга кўчи ўтди. Бу иморатлардаги қулайликларни санаб ўтиришга ҳождат йўқ. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 4 сотихли томорқанинг 6 сотихига кўпайтирилгани айни муддао бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шундай оилалар фаровон ҳаёт кечирапти.

Ўтган йили худудимизда «Антекс» қўшма корхонаси иш бошлади. Унинг маҳсулотлари хорж-

га экспорт қилинапти. Италия технологияси билан жиҳозланган фабрикани, асосан, мустақиллик даври ёшлари бошқараётгани кишида фахр уйғотади.

Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг деган ибора бугун фуқароларнинг юрагига сингиб кетди, десам янглишмайман. Негаки, ҳар қандай ташаббус, ҳар қандай янгилик худди шу маскандан бошланапти. Ми-соч учун, Ақромжон Норматов чорвачилик билан шуғулланиш нияти борлигини билдириб, маҳалла «Маслаҳат маркази»га мурожаат қилганди. Фаоллар унинг бу таклифини маъқуллашди. Сабаби, туманимизда чорвачиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Қолаверса, чорва кўпайса, халқ бойийди, ёшларимиз кўпроқ суг-қатиқ истеъмол қиладди. Айни чоғда маҳалла ёрдами билан ташкил этилган «Охундада» чорвачилик хўжалигида 50 бош-га яқин қорамол парварши қи-



линмоқда. Дейдиларки, инсон ўқишдан тўхтаса, фикрлашдан ҳам тўхтайдди. Худди шу каби меҳнатдан чекинган инсон яшайдан ҳам ортда қолади. Ёшим саксондан ўтган

бўлса-да, томорқада ишлашмайман, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириман. Шунинг баробарида «Нуроний» жамғармаси туман бўлимининг раиси сифатида жамоатчилик ишларида фаол иш-

тирок этапам. Инсон ўзидан яхши ном қолдириши учун умр бўйи тер тўкиб меҳнат қилиши керак. Ана шунда эл-юрт, жамият ва ўз қишлоғида қадр топиш бахтига муяссар бўлади.

Маҳалла — демократия дарсхонаси. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш билан боғлиқ масалалар ечимида маҳаллаларнинг иштирокини бирор омил билан қўйсаш мушкул. Қувонарлиси, йилдан-йилга қадрдон масканинг ваколатлари кенгайиб, хайрли ишлар кўлами ортиб бораётир.

Исмоил НОРМАТОВ, Андижон вилояти Булқобчи туманидаги «Кумгузар» маҳалласи фаоли, «Дўстлик» ва «Эл-юрт хурмати» орденлари соҳиби.

ХУНАРДАН УНАР

Боқий анъаналар бардавом

(Давоми. Боши 1-бетда)

Комиссия фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, қол-леж битирувчилари бандлигини таъминлашдаги ўзига хос тажриба эътиборимизни тортиди. Маълум бўлишича, худуддаги Маиший хизмат касб-хунар коллежи маъмурияти билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган мазкур комиссия фаоллари ёшларнинг қизиқишидан келиб чиқиб, уларни хунармандларга бириктириб қўйишар экан. На-қўшиша киритишган. Яқин кунларда бино замонавий жиҳозлар билан бойийди.

Айни пайтда, бино ертўласидаги таъмирлаш ишлари давом этаётир. Йиғин раиси Маҳмуд Дўстовнинг айтишича, таъмирлаш якунига етса, у ерда маҳалла ёшларининг бандлигини таъминлаш мақсадида кураш ва дўлодо тўғарақлари ташкил этилади.



лияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия раиси Алишер Ҳамидов. — Улар бизнинг вори-симиз, эзгу амаларимиз давом олиб, тадбиркор сифатида иш бошлади. — Аҳолининг аксариятини ёшлар ташкил этади, — дейди йиғиннинг Тадбиркорлик фао-

риш масаласи комиссия аъзоларининг диққат марказида. Бунда бой ҳаётий тажрибага эга Кубаро ая Бобоева, Хайрулло Жаббаров сингари уста хунармандлар бизнинг яқин кўмакчимиз.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда 20 нафарга яқин ўғил-қиз Кубаро ая ҳамда Хайрулло отадан кулолчилик сирларини ўрганишаётган бўлса, йиғиндаги мебелсозлик, замонавий парда тикшиш ҳамда қандолатчилик цехларида 30 га яқин ёш фойдали меҳнат билан банд.

Ҳа, бугун комиссия фаоллари зиммасидаги маъсулиятни виждонан адо этиб келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, оилалар харид қувватини ошириш ва энг муҳими, миллий хунармандчилик анъаналарининг бардавомлигига хизмат қиляпти.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ «Mahalla»

ИШ БИЛАНГА БАЛЛИ!

Томорқада мўл бўлса ҳосил, даромад ҳам ошар муттасил

Мамлакатимизда ички бозорни сифатли истеъмол моллари билан тўлдириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, фермер хўжалиқлари ҳамда томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида аҳоли бандлиги таъминланиб, турмуш фаровонлиги ошаётур.

Самарқанд вилояти Ургут туманидаги «Пахмоб» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Нажми Саидов мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, чорвачилик билан шуғулланишни бошлади. Дастлаб «пенсияонер одамга шу керакмикан», дегувчилар ҳам бўлди. Рост-да, ахир, зотдор қорамолни парвартиришнинг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор.

— Баҳорда кредит эвазига бир бош зотдор қорамол харид қилиб, уни астойдил парвартириш қилдим, — дейди Н.Саидов. — Куз фаслига келиб жонивор биттага кўпайди. Сут-қатиқ ҳам ўзимиздан чиқадиган бўлди. Ҳисоблаб кўрсам, бир йил давомида сутнинг пулидан кредитни бутунлай қайтариш мумкин экан. Бир жуфт қорамол эса фойдага қолади.

Бугунги кунда Ургут туманида 13 та агрофирма фаолият кўрсатаётир. Мазкур тузилмалар 6 минг 200 гектар шахсий томорқа ерлари мавжуд худуддаги аҳолининг, томорқачио деҳқон хўжалиқларининг ишончли ҳамкори ва кўмакчисига айланди.

Қайд этиш жоизки, аввало, агрофирма ва маҳаллалар ҳамкорлигида аҳолининг талаби билан бирга имконият ва шароити ҳам ўрганиб чиқилди. Шу асосда қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор, аммо хўжалик юртишга сармоси етмаётган шахсий томорқа эгаларига зарур кўмак берилди.

Хусусан, тижорат банкларида полиз, сабзавот уруғлари ва ҳашаротқа қарши дори воситалари учун 7 миллион сўм, парранда хариди учун 29 миллион сўм, чорва моллари сотиб олишга қарийб 700 миллион сўм банк кредитлари олишда амалий кўмак берилди. Бунинг натижасида 600 миллион сўмлик насли чорва моллари, 90 миллион сўмлик картошка уруғи, қарийб 14 миллион сўмлик серхўш навли кўчатлар келтирилиб, бир йилдан уч йилгача муддат билан кредит ҳисобида аҳолига тарқатилди.

Натижада олинган банк кредитини қайтариш билан бирга, ҳатто хорижий давлатларга қуритилган

мева экспорт қилинди. Жорий йилда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни давом эттириб, 150 тонна симиғма эга музхона, савдо дўконлари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари қуриш режалаштирилган.

Умуман, Самарқанд вилоятида 1100 дан ортиқ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига хизмат кўрсатувчи 137 та агрофирма ташкил этилиб, уларга банкларнинг вилоят филиаллари томонидан молиявий кўмак берилди.

— Жумладан, йил бошидан буён мазкур янги тузилмага чорва моллари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уруғлари хариди учун жами 21 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди, — дейди «Микрокредит-банк»нинг агрофирмалар бўйича масъул ходими Бекзод Абду-сатторов. — Ажратилган кредит муддати бир йилдан уч йилгача бўлиб, унинг катта қисми чорва молларини харид қилишга йўналтирилган. Маблағлардан самарининг ишончли ҳамкори ва кўмакчисига айланди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, кун сайин агрофирмаларнинг мамлакат иқтисодиётига келтираётган фойдаси салмоғи ортмоқда. Бунга маҳаллалардаги фаровонлик даражаси юксалаётгани, аҳолининг турмуши ободлашганлигини кузатиб ишонсан киши. Эришилаётган натижалар эса мазкур йўналишнинг келажакти борлигини кўрсатиб турибди.

Ёқубжон МАРҚАЕВ «Mahalla»



БАҒРИКЕНГЛИК МАСКАНИ

Ҳалол меҳнат — фаровонликнинг сири

...Валентина холанинг хорижга кетаётганини эшитган узоқ-яқин қўшнилари қадрдон бўлиб қолган бу салимий, ширинсўз аёлнинг шундай қарорга келганидан бироз ранжишди.

— Мен сизларни соғинаман, — деди аёл соф ўзбек тилида кўзларига ёш олиб. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас, Валентина хола хориждан қайтиб келди. Ҳурмат юзасидан кўни-кўшни уни сўраб уйига чиқди. Сўхбат орасида у хорижда кечирган кунларини ҳикоя қилиб берди.

— Жаннатмонанд юртимни, меҳрибон, бағрикенг маҳалладошларимни соғиндим, — деди у. — Мен шу Ватан фарзанди эканимни яна бир бор англадим. Ўзбекистон — менинг уйим. Бу ерда обрў-эътиборим, иззатим бор. Айниқса, маҳалладаги тўй-маъракалар, ҳашару сўхбатлар жону дилим. Бу — ҳаётим мазмуни экан...

Помуқ — Миришкор туманининг йил сайин ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос ўрни бор, заҳматқаш ва омилкор инсонлар юрти. Барча жабҳаларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасидан кейинги йилларда қишлоқ ҳаёти ўзгача чирой касб этди, турмуш фаровонлиги ошди. Бир томони Қизилқуму Қорақумга туташиб кетган, одамларнинг феълӣ ҳам яйловлари каби кенг бу макон аҳолиси кўпмиллатли. Узбеғу туркман, қозоқ, уйғуру тоjik, татару рус, қорақалпоғу чечен — барча миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, маҳаллани обод қилиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиб турмушини яхшилашга киришди.



«Игначи», «Малла», «Янгиқош-лоқ», «Баҳористон» ҳамда Мах-туркумчи номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларини ўз ичига олади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хонқул Жўраев. — Аҳолининг аксарияти туркманлар. Қарши чўли ўзлаштирилган ўтган асрнинг олтиншинчи йилларигагина Помуқда пахта экиб етиштирилмаган. Қишлоқ аҳолиси, асосан, чорвачилик билан шуғулланиб келган.

Ҳақиқиятлар оиласи қишлоқнинг энг намунали хонадонларидан. Оиланинг катталари — Норқул бобо Ҳаққиёв ва Ўғил-бани Рўзиқуловнинг ҳаёт йўли, панд-насихатлари ёшлар учун ачинам ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.

— Турмуш қурганимизга 67 йил бўлди, — дейди Ўғилбани момо. — Бахтли бўлиш, қўша қаршининг муҳим омили — эр ва хо-

рининг ўз касб-кори бор. Айни пайтда бобо ва момо 200 дан зиёд невар ва чеваралар қуршовада бахтли ҳаёт кечираяпти.

— Норқул бобо меҳрибон инсон, — дейди «Игначи» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Норқол Омонова. — У киши оиласи, фарзандлари ва набираларининг тақдири учун куюнади, улардан мол-дий ва маънавий ёрдамни аямайди. Тажрибали маслаҳатчи ҳеч қимдан ҳеч вақт маслаҳатларини аямайди. Ширинсўз ва холис ният билан маҳалла-қўйининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиладди.

Қишлоқда турли миллат ва элат вакиллари бир оиладек аҳил яшайди. Анъана тусига кирган бундай муносабатлар, ўзаро ҳур-мат, қадр-қимматни ўрнига қўйиш, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик каби сифатлар билан уйғунла-

Шоҳиста БОЗОРОВА «Mahalla»

КОМИССИЯ КЎМАГИДА

Насихатдан кўра, амалий иш таъсирчанроқ

«Унинг онаси қамалибди...», деган шивирни эшитгани ҳамонақ Омон (исм-шарифи ўзгартирилган) ортга ўтирилади. Тўпланиб турган курсдошларидан қай бири айтади экан бу гапни...

Ҳатто устозининг ҳай-ҳайлашига қарамай, куртқасини ҳам киймай синфдан ўқиди отилиб чиққан Омоннинг муздак ҳаводан эти жунжидди. Уриндикда ўтириб, атрофни томоша қилди...



Таълим олишнинг аҳамияти ҳақда сўхбатлашдик. Ўқишга иштиёқ борлигини сезиб севиндик. Маҳалламиздаги тадбиркорлардан бирини ҳомиликка бириктирдик. Ҳозир у ўқишга қайтиб, бутун диққат-эътиборини билим олишга қаратган...

ҲИДОЯТ

Маърифатли аёл — маънавийатли оила демак

Хизмат тақозоси билан асосий вақтним одамлар орасида ўтади. Шундай пайтларда баъзан «Қиз бола ўқиб шаҳар олиб берармида?», деган нотўғри фикрда юрганларни учратсам кўнглим хира тортади. Ахир, қиз бола — бўлажак она.

У фарзандлар тарбияси, бошқача айтганда, мамлакат истиқбол пайдевори учун масъул шахс. Маърифатли она тарбиясидаги авлод маънавийатли бўлиб воғда етиши шубҳасиз. Қуйида гувоҳи бўлганим бир воқеа номақбул қарашли инсонлар учун ибрат, мулоҳазаларимизнинг эса айни ҳақиқат эканига бир мисол...

Бугун Салимжон ота хонадонда хурсандчилик бўйи етган қизи Барнога яхши жойдан совчилар келди. Содда аёли Раҳима хола ҳам шошиб қолди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган Барнони ёнига олиб: — Қизим, келган совчилар бамаъни инсонлар экан. Ўғли учувчи, қолаверса, отанга ҳам улар маъқул келди, чоғи, — деди. — Ойижон, мена бир йил муддат беринглар, бу йил ўқишга киролмадим, лекин келаси йили, албатта, талаба бўламан. Мен келажақда устоз бўлмоқчи эдим. Ўзингиз ҳам биласиз-ку...

Қароқларда кўз ёшга айланди. Тўйдан кейин талаба бўлган тенгқурларини кўрганга энтикар, ўзини уларнинг ўрнига кўйиб ўксинарди. — «Жажжи ўқувчилари атрофини ўраб олиб «устоз, устоз», дея ҳоли-жонига қўймаётган хув анави қизалогининг ўқитувчиси ҳам Барно тенги экан. Кечагина «Ойижон, бу масала қандай ечилди?», «Бу сўзининг таржимаси нима?», «Юлдузлар қанчалик узоқда?» каби саволларга Барнони кўмиб ташлаган болаларни бутун бирин-кетин мактабни битиришаётди. Барно мактабда яхши ўқигани учун ич-ичидан севинарди. Дилбандларнинг саволларига эринмай жавоб берар, уларни тўғарақларга олиб боришни қанда қилмасди.

кийимларда деб билмаган Барно рўзгордан ортиртганларига фарзандлари учун китоблар харид қилар ва «Билим — умрининг маёғи», дея бот-бот таъкиллари. Йиллар шу тарзда ўтиб борарди. Ёз фаслининг охири ойи. Райҳон ҳиди тутган ҳовлига сув сепилган, Барно дамбадам эшикка қараб қўярди. Шаҳарга кетган қизини кутарди. Дарвоза қия очилди. — Ойижон! Ойижон, мени табрикланг! Қизи Умидани бағрига босаркан, онанинг кўзларига ёш қалқди. Дилбанди талаба бўлди. Ёшлигида армонга айланган орзуси ушалди.

СИЗДА ҚАНДАЙ ТАЖРИБА БОР?

Жонкуяр маслаҳатчи ажримга барҳам берди

Феруза Ҳасанова Навоий шаҳридаги «Ишонч» маҳалла фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида фаолият юрutiб келади.

У ҳудудда, биринчи навбатда, ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, урф-одат ва анъаналаримизни навқирон авлод онига сингдириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини фаолиятнинг асосий вазифаси деб билади. Шу боис ўтган йиллар давомида ҳудудда намунали оилалар сони сезиларли даражада кўпайиб, йиғинда жиноятчилик ва қонунбузарлик ҳолатлари қайд этилмади.

Утган йили «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловида қатнашган Феруза Ҳасанова шаҳар аъзолари бўлган ўн олти нафар қиз маҳалладаги якка-ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг уй юмушларига қарашини.

— Бундай савобли ишлар маҳалламизнинг аҳил-иноқлигини таъминлашда утган йиллар давомида олиб борилган таҳлиллар шунни кўрсатдики, иштиёқ аёлларнинг аксариятини бола парвариши билан банд бўлган оналар ташкил этаркан,

— дейди Ф.Ҳасанова. — Шундан сўнг уларни касаначиликка жалб этишга ҳаракат қилдик. Бунда, аввало, йиғин қоршидаги Хотин-қизлар билан ишлаш, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар аъзолари, турман бандлик маркази билан ўрнатилган мустақкам ҳамкорлик кўл келаётди. Қолаверса, маҳаллада очилган тикувчилик, пазандалик тўғарақларида хотин-қизлар бепул хўнар ўрганишлари йўлга қўйилди.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкинки, маслаҳатчи таъсири билан ўтган йиллар давомида ҳудудда иккита «Гўзаллик салони», тикувчилик ҳамда пазандалик цехлари иш бошлади. Бугунги кунда мазкур йўналишларда 20 дан зиёд хотин-қиз иш билан банд. 3 нафар коллеж битирувчиси эса хўнар сирларини ўрганаётди.

Оила мустақкамлигини сақлаш ҳамда эрта никоҳ ҳолатларига барҳам бериш, қариндошлар ўртасида қузатилиши мумкин бўлган қудда-андачилик муносабатларининг олдини олишда ҳам маслаҳатчининг муносиб



ўрни бор.

— Маҳалладаги истиқомат қиладиган 1700 дан зиёд оиланинг турмуш тарзини ўрганиш Феруза Ҳасанованинг кундалик юмушига айланган, — дейди йиғин масъул котиби Матлуба Полвонова — Қайнона-келин, эр-хотин муносабатларини яхшилаш борасида, оилада аёлнинг ўрни хусусида ёш келин-куёвларга йўл-йўриқ кўрсатишдан асло эринмайди. 2015 йилда маҳаллада бирорта ажрим қайд этилмаганини маслаҳатчи

мехнатининг самараси дейиш мумкин.

Кейинги вақтларда мўмай даромад илинжида хорижга кетиш истагида бўлганлар ҳам учраб турирди. Шу боис Феруза Бозорова раҳбарлигидаги йиғин фаоллари чет элга шайланган фуқароларнинг оила аъзолари билан учрашиб, одам савдоси қурбонига айланган кишиларнинг аччиқ қисмати ҳақида сўхбатлар ўтказди. Шунингдек, юртимизда тадбиркорлар учун яратилаятган шарт-шароит, маҳаллалар

кўмагида ишбилармонларга банклардан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳақида маълумотлар бериб боради. Бунинг натижасида хорижга кетганлар сони камайиб бормоқда.

Ҳа, бугун маҳаллаларда Феруза Ҳасанова сингари ўз касбининг фидойилари, жонкуяrlари бор экан, оилалар тинч, фарзандларимиз баркамол бўлиб улғайишади.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ «Mahalla»

«ОИЛА — МАҲАЛЛА — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ»

Ёшлар камолоти йўлидаги ҳамкорлик

Мен ишлаётган Сирдарё вилоятидаги Гулистон қурилиш касб-хўнар коллежида ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлиб улғайиши учун тизими ишлар амалга ошириб келинаётим.

Мазкур сайё-ҳаракатлар самара бериши учун ҳудудимиздаги маҳалла фуқаролар йиғини билан ўзаро ҳамкорликни намунали тарзда йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Таълим муассасамизда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги доирасида коллежнинг ҳар бир ўқитувчиси белгиланган режа асосида аниқ ишларни амалга оширмоқда. Ҳар haftaнинг душанба ва шанба кунлари очик дарслар ҳамда тарбиявий соғлаб ўтказиш қатъий белгиланган. Бу тадбирларда ўқувчиларимизнинг ота-оналари, улар истиқомат қиладиган фуқаролар йиғинлари мутасаддиларининг ҳам иштироки таъминланяпти.

Бундан ташқари, ўқувчи қизларни эрта турмушга беришнинг олдини олиш, ўн икки йиллик мажбурий таълим муҳиятини аҳолига тушунтириш, устоз қалри ва оилада фарзанд тарбияси каби мавзуларда давра сўхбатлари ташкил этиш ҳам анъанага айланган. Коллежимизнинг мен раҳбарлик қиладиган «Газ, сув таъминоти ва сув-оқова тизимларини ўрнатиш, ишлатиш ва таъмирлаш устаси»ни тайёрлайдиган учта гуруҳда 90 нафар ўқувчи тахсил олади. Ёшлар ўзлари танлаган соҳани пухта эгаллашлари учун моҳир усталарга бириктириладиган эътирофга арзирли тажриба бўлди.

Бу борада яна бир янгилик —



мураббий ва ишлаб чиқариш таълими усталарини ҳудудларга бириктириш ўзини оқлайтир. Бунга кундалик иш фаолиятимда гувоҳ бўляпман. Мен ўзим истиқомат қиладиган Гулистон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласига бириктирилганман. У ердан беш нафар ўсимир коллежimizга қатнайдми. Уларнинг ота-оналари билан якка тартибда сўхбатлар ўтказиш, ўқувчиларда танлаган касбия меҳр уйғотиш, ўқишдан бўш вақтларида йиғинимиздаги усталарга шогирд сифатида бириктиришга эътибор қаратаман.

Фаолиятимизда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Воёга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи суянами. Маҳалламизда оилани мустақкамлаш, гиёҳвандлик, ичкиликбозликнинг аянчли оқибатлари, 12 йиллик мажбурий таълимга ўқувчиларни жалб этиш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш мавзуларида давра сўхбатлари уюштирамиз, мулоқотлар олиб борамиз.

Бир сўз билан айтганда, баркамол авлодни тарбиялашда коллежimizда оила ва маҳалла ҳамкорлигини янада ривожлантириш олдимиздаги долзарб вазифалардан. Айниқса, Соғлом она ва бола йилида бу борадаги вазифаларимизга янада масъулиятни янги ташаббус ва тажрибалар билан бойитиш зарурлигини ҳис этиб турибмиз.

Гулчехра ЖҲРАЕВА, Гулистон қурилиш касб-хўнар коллежи ўқитувчиси.

ҚИЛНИ ҚИРҚ ЁРИБ...

Олов исканжасидаги ЖИНОЯТ

Денов туманидаги «Юрчи» маҳалласида тугулган Сарвардан (исми ўзгартирилган) ота-онасининг умиди камтпа эди. Унинг униб-ўсиб, бошқалар қатори хақ хизматига бўлишсини, жонанжон юрти равнақига муносиб ҳисса қўишсини орзу қилишганди. Афсуски, барча умидлари саробага айланди. Сарвар жиноят кўчасига кириб, навқирон йиғитлик даврини панжара ортмида ўтказадиган бўлди.

Ота-онасининг бағрида қийинчилик кўрмай улғайган Сарвар ёшлик даврини илм олишга эмас, аксинча уйинкулига сарфлади. Тенгқурлари қатори бирор ҳунарнинг бошини тутмади, ўқиб-изланмади. Уйлангач, оиласини моддий жиҳатдан таъминлашда қийинчиликка дуч келди. Мўмай даромад илинжида бир неча бор хорижга қилган «сафари»дан ҳам наф чиқмади. Енгил-елли ҳаётга ўргангани боис, пул топишининг осон йўлларини ахтара бошлади. Бу ҳою ҳаваслар уни жиноят кўчасига етаклади...

Кейинги вақтларда Сарвар Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги «Гулистон» маҳалласида истиқомат қиладиган ҳоласи Мухтарам Одинаевнинг уйига тез-тез қатнайдиган бўлиб қолди. Бундан ҳоласи, айниқса, бувиси кўп қувонарди. Сарварнинг онда-сонда келиб, рўзгор ишларига қарашини унга тасали берарди-да. Аммо кўнглида гаразли нияти илди отган Сарвар ҳоласини кўриш баҳонасида олдиндан режалаштириб қўйган жиноятни содир этиш учун қўлай фурсатни кутарди: у ҳоласининг яккаю ягона қизи учун анчадан бери жағмариб юрган пуллари, тилла тақинчоқларига эгаллик қилишни истарди.

Шундай кунларнинг бирида Мухтарам опаниннг дарвозаси тақиллаб, жияни Сарвар ўртоғи Диёр билан ширакайф ҳолда кириб келди. Унинг мастлиги ҳоласини ранжитган бўлса-да, меҳмон атоийи худо, деб уларни уйига тақлиф этди. Дастурхон тузаб, ош дамлади. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди.

Овқатдан кўнгли беҳузур бўлаётганини баҳона қилган Сарвар ҳовлига чиқар экан, гаразли ниятини амалга оширишга шайланди. Воқеадан бехабар Мухтарам Одинаева жиянининг ҳолидан ҳавотириланиб ҳовлига чиқаркан Диёр уни бўйиб, жони узилгунга қадар ушлаб туради. Шу топда онасини излаб ташқарига чиққан Рухшона навбатдаги қурбонга айланди. Қилган жиноятларини ҳаспўшлаш мақсадида Сарвар бувисининг ҳам умрига зомин бўлди. Аммо уларнинг барча уринишлари бесамер кетганди. Улар уйдан на пул, на тақинчоқларни топа олишади. Жиноятларини бекитиш ниятида икки номакор жонсиз таналарни ошқонага олиб кириб, газ жўмрагини очиб қўйишади ва воқеа жойидан яширинишади.

Тонгта яқин ёнғин хафсизлиги ходимларининг сайё-ҳаракати билан «Гулистон» маҳалласида чиққан ёнғин ўчирилади. Олов исканжасида қолган уч жасад ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотади. Текшириб кўрилганда эса бу ерда қасдан жиноят содир этилгани аён бўлади. Бир ойдан сўнг М.Одинаева, унинг онаси ва қизининг қотили Сарвар эканлиги фож этилади. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди қариндошларининг умрига зомин бўлган Сарвар ва унинг жиний шериғига узоқ муддат озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Жиноятга жазо муқаррар. Афсуски, Сарвардек нафс домига тушган кимсалар буни кеч англаб етаётдилар, минг бир пушаймонлар ичида панжара ортида кўзёш тўқишмоқда. Сўнги пушаймон эса...

Одил НОРМАҲМАТОВ, Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судининг судьяси.

Тойиржон ТУНГАТОВ, Чиноз тумани «Ҳазрат Али» жоме масжиди имом-хатиби.



КИМДА ИҚТИДОР ЙЎҚДИР...

Аждодларга муносиб издошлар

Яхши хабар шамолдан тез учади, дейишди. Андижон вилояти Балиқчи туманидаги «Омонариқ» маҳалласи аҳли бу гапнинг ростлигига яна бир бор гувоҳ бўлишди.



Оила бошлиғи Фаттоҳон Асхонов қишлоқ ёшлари орасида биринчилардан бўлиб Андижон тиббиёт институтини тамомлаган эди. Орадан кўп ўтмай, шу олий даргоҳда кафедра муdiri даражасига кўтарилди.

орти чандикли деформацияларни жарроҳлик йўли билан бар-тароф этиш усулини яратди. — Ушбу гоёни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг 100 миллион сўмлик гранти учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлади, — дейди Зафарбек Асхонов.

бири Аҳрорбек Нуриддинов кулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволашда фойдаланиладиган «TONES-I» номли қайчи яратди. Бу тиббий асбоб ёрдамида болаларда кўп учрайдиган танзилитни жарроҳлик йўли билан даволашда рўй бериши мумкин бўлган нохуш оқибатларга чек қўйиш имконияти туғилди.

Андижон тиббиёт институти Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти Саодат Шокированинг аёллар ҳомиладорлик даврида касаллик диагностикасини такомиллаштириш масалалари ҳақидаги лойиҳаси ҳам ҳудудий инновацион гоёлар танловида ҳакамлар ҳайъати томонидан муносиб баҳоланган.

— Бу лойиҳанинг амалиётга жорий этилиши менга Соғлом она ва бола йилида янада маъсулият юклайди, — дейди ёш оlima. — Умид қиламанки, мазкур йўналишдаги изланишларим юртимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги

ишларда асқотади.


Кези келганда айтиш керакки, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими билан Андижон давлат тиббиёт институти ўртасида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, илм-фан ривожига қўшаётган ҳиссасини рағбатлантириш, улар томонидан яратилаётган кашфиёт ва истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорлик ўз самарасини бераётган. Ана шу ҳамкорлик туфайли ўтган ва жорий йилнинг икки ойи давомида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, ички касалликлар, кардиология ва юқумли бўлмаган касалликлар профилактикасини йўналишлари бўйича ёш олимлар, талқинчилик ва талабаларнинг 63 та лойиҳаси рўйхатга олинди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳудудда ёш, шижоатли талқинчиликлар, бир сўз билан айтганда, аждодларимизнинг муносиб издошларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ «Mahalla»



Плутонда муз бор

Халқаро космос станцияси «НАСА» томонидан Плутонда муз парчалари борлиги аниқланди.



«The Guardian» газетасида ёзилишича, бу тасвирни «НАСА»нинг New Horizons (Янги уфқлар) номли космос кемаси қайд этган. Тасвирдан муз дарагалари ҳам борлигини аниқ кўриш мумкин.

Селфи тақиқланди

Селфи туфайли бир неча йлим ҳолатлари кузатилган, Мумбай ҳукумати шаҳарнинг 16 ҳудудида суратга олишни тақиқлаб қўйди.



Чунки бу ерларда тасвирга олиш ҳаёт учун хавфли, деб

ёзади га.га сайты. Бунга риюя қилмайдиган фуқаролар полиция томонидан назоратга олинади ва маъмурий жавобгарликка тортилади. Эслатиб ўтамиз, Ҳиндистон селфиди суратга тушиш ва бунинг янчилик оқибатлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. 2014 йилдан бери селфи сабаб содир бўлган 49 ўлимдан 19 таси айнан Ҳиндистонда содир бўлган.

ТАШАББУС

Раис шогирдлари чемпион бўлди

Маҳалла раисининг ташаббуси билан ҳудудда белбоғли кураш тўғрисида ташкил этилди. Айни пайтда мазкур спорт тўғрисида 30 нафардан зиёд ёш чиниқаётган. Уларга кураш бўйича беш карра Ўзбекистон, тўрт карра Осиё чемпиони, Пискент туманидаги «Бекобод» маҳалласи раиси Музаффар Аҳоров устозлик қилмоқда.

Дарҳақиқат, маҳалла ёшларининг чемпион бўлишида Музаффар полвоннинг ҳиссаси катта. Ўз навбатида, шогирдлар ҳам устоз ишончини оқлаб келаяпти. Жумладан, Голиб Аҳмедов 2012 йил белбоғли кураш бўйича Беларусда ўтказилган жаҳон чемпионатида оғир вазн бўйича тенгсиз деб топилди.

Пискент туманида бўлиб ўтган белбоғли кураш бўйича республика турнирида юртимизнинг барча вилоятларидан келган фахрий курашчилар гиламга тушди. Қувонарлиси, бош соврин Музаффар полвонга nasib этди.

— Мамлакатимизда болалар спортига катта эътибор қаратилаяпти, — дейди «Бекобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Музаффар Аҳоров. — Бундай гамхўрликка жавобан янада кўпроқ ишлагинг, тинимсиз меҳнат қилгинг келади. Пискент азалдан полвонлар, мард ва танги инсонлар юрти. Ана шундай юртда яшаётган ҳар бир инсон аждодларга муносиб ворис бўлишига интилади, эл-юрти учун ёниб яшайди.

Худуд аҳли билан мулоқотда бўлганимизда раиснинг ташкилотчилиги, ташаббускорлигини алоҳида таъкидлашди. Шораҳмат ота Шоматовнинг айтишича, раис ободончилик, қўқаламзорлаштириш ишларига катта эътибор қаратаётган экан.

Ингнинг режалари кўп. Фаоллар қаровсиз ётган эски футбол майдонини қайта таъмирлаб, замонавий болалар ўйингоҳига айлантириш ниятида.

Ашурали БОЙМУРОД «Mahalla»

ШОҲСУПА

Мустаҳкам ирода ва миллий ғурурга таянч

(Давоми. Боши 1-бетда).

А.Кулболаевнинг қаратэга иштиғки болалигида пайдо бўлган. Буни Боёвут туманидаги 34-умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси вақтида илғаб, унга жиддий шуғулланишни тавсия этади. Дастлаб спортнинг бу тури бўйича қўллаб шогирдлар тарбиялаган Алижон Жулматов, Даврон Усанбоев, Шавкат Турабоев сингари мураббийлар Асадуллога қаратэ сирларини ўргатишди.

Уз устиди тинимсиз ишлаган спортчи туман ва вилоят миқёсида ўтказилган мусобақаларда зафар куча бошлади. Орадан кўп ўтмай, у вилоят ва республика би-



ринчилликларда голибликни қўлга киритиб, Дурдона Нормухаммедова билан Азиз Мусурмонов каби тажрибали мураббий-

ларнинг назарига тушди. Улар ёрдамида Асадулло қаратэнинг мураккаб қирраларини ўзлаштирди. Машгулотлар ўз самарасини бериб, Сурхондарё, Хоразм, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ўтган республика биринчилиги мусобақаларида 60 кг. вазн бўйича тенгдошларини мағлуб этиб 1-ўринни эгаллади. Бундай муваффақиятлари сирасига 2014 йили ўз вазни бўйича Хоразм вилоятида болалар ва ўсмирлар ўртасидаги анъанавий Ўзбекистон чемпионатидаги галабасини ҳам киритиш мумкин. Ўтган йили эса у мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, Гулистон шаҳридаги 1-педагогика коллежи ўқувчиси бўлди.

— Спортсиз ҳаётимни тасаввур қилишим қийин, — дейди Асадулло. — Мусобақаларга жиддий тайёргарлик кўраман. Устозларимнинг йўл-йўригини диққат билан тинглашга одатланганман. Уларнинг менга: «Қўлга киритган ютуқларинг денгиздан бир томчи, сен ҳали бундан ҳам юқори марраларни эгаллашинг керак», деган даъватлари рақибим билан тўқнашган чоғда бир зум ҳам ҳаётимни тарк этмайди.

Асадулло Кулболаев ўқишдан бўш вақтларида маҳалласидаги ёшларни ҳам қаратэ билан шуғуллантиради. Дарҳақиқат, инсон камолоти йўлида жисмоний етуқлик муҳим омил. Зеро, спорт нафақат саломатлик гарови, балки у қалбда миллий ғурурнинг ҳам шакллантиради.

Тошпўлат ҲАЙИТБОЕВ «Mahalla»

МОЗИЙДАН МЕРОС

Бебаҳо кадриятлар тараннуми

Халқимизда: «Яхшидан боғ қолади», деган нақл бор. Чиндан ҳам, инсон борки, ўзидан яхши ном, ўчмас из, келажак авлод учун мерос қолдиришга интилади. Мозийга назар ташласан, ўзининг оламшумул кашфиётлари ва дурдона асарлари билан келажак авлодларга улкан мерос қолдирган аждодларимиз жуада кўп эканини кўрамыз.


Ана шундай бобокалонларимиздан бири шоҳ ва шоир Заҳридин Муҳаммад Бобурдир. Бобур ҳазратлари гарчи оз умр кўрган бўлса-да, ўзидан асрлар оша яшаб келаётган бой мерос қолдирди ва қўллаб эзгу ишларни амалга ошира олди.

Бобомизнинг ҳозиргача эъзозланиб келаётган дурдона асарлари халқимиз учун том маънода маънавий озуқа бўлиб, чуқур илмий, тарбиявий аҳамият касб этади. Айниқса, дунёга машҳур «Бобурнома» мемуар асари адабиётшунос, тарихчи олимларни ўзининг бетакорлиги, таъсирчанлиги билан ҳали-ҳануз ҳайратга солиб келмоқда. Мазкур асар муаллифининг ўн икки ёшидан ҳаётининг сўнгигача бўлган давр оралиғидаги воқеа-ҳодисаларни ўз ичи-

га олган. Асар 1525-1530 йилларда ёзилган бўлиб, дастлаб «Воқоийеъ» («Воқеалар») деб аталган. Кейинчалик эса, «Бобурнома» номи билан шухрат қозонган.

Асарни ўқиб эканмиз, Заҳридин Муҳаммад Бобур табиатан ниҳоятда зийрак, Жавоҳарлаъ Неру тақидланганидек, «дилбар шахс» эканига тақрор амин бўламыз. Чунки у қаерга бормасин, ўша ернинг географик жойлашишидан тортиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, об-ҳавоси, халқнинг келиб чиқиши, тили, миллати, урф-одмигача — ҳамма жиҳатлари билан қизиққан ва ёниб қолдирган.

Асарда у туғилиб ўсган юрти — Андижонни шундай таърифлайди: «Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун



ва узуми яхши бўлур...». Шунингдек, асарда юртимизнинг ва бошқа мамлакатларнинг қўллаб қўҳна ва навқирон шаҳарлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган.

«Бобурнома»да Бобур замонида яшаган ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган қўллаб арбоблар ҳаёти билан ҳам танишамиз. Асарда муаллиф, хусусан, отаси Умаршайх Мирзо ҳақида шундай ёзади:

«Чун Умаршайх Мирзо баланд ҳиммати ва улғу доиялик подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкғирлик дағдағаси бор эрди, неча навбат Самарқанд устига черик торти, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурд ёнди...».

Яна ўз замонасининг етуқ шоири, газал мулкнинг султони Мир Алишер Навоийга «Алишербек назирини йўқ киши эрди. Туркий шерб кўпа то шеър айтувтурлар, ҳеч ким онча бўла ва хўп айтуқон эмас», дея таъриф беради.

Асарда Хусайн Бойқаро, Бадмузмон Султон Аҳмад, Султон Маҳмуд каби ўнлаб ҳукмдорлар, Камолдин Биёний, Беҳзод, Хусайн Удий сингари адабиёт ва санъат арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар ҳамда асарларидан намуналар берилган.

Шу жиҳатдан ҳам «Бобурнома» асарининг жаҳон адабиётида тулган ўрни беқийс. Асар дунёнинг қўллаб тилларида таржима қилинган боис хоржилик китобхоналар, адабиётшунос ва тарихчилар мамлакатимиз ўтмиши, иқлими, халқимизнинг маданияти ва урф-одатлари билан яқиндан танишмоқдалар. Жаннатмонанд юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганида ҳам, фикримча, «Бобурнома»нинг муносиб ўрни бор. Улар юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, халқимиз урф-одатлари билан танишиб, етиштирилаётган сарҳил мева ва полиз маъсулотларидан баҳра олиб, асардаги барча маълумотлар ҳаққоний эканига гувоҳ бўлмоқдалар.

Бу эса бизларни шундай гўзал юртда яшаётганимиз, буюк аждодларнинг авлоди эканимизга шукроналар келтиришга ундайди.

Миролим ИСАЖОНОВ. Андижон вилояти.

Mahalla logo and address information: Маъноси: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Mahalla logo and address information: ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета. Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир ўринбосари Толибжон НИЗОМОВ. Телефонлар: Кабулхона: (0 371) 233-39-89, Котибият: (0 371) 233-44-25, Факс: (0 371) 233-10-73. Нашр кўрсаткичи: 148

ISSN 2010-7013. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 2 босма табок. Навбатчи: М.Отабоева, Мусаххиллар: Н.Азимова, М.Назарова. Нашр навбатчиси: У.Шоназаров Саҳифаловчи: Л.Мейликов. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 51-уй. Индекс: 100000. «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Баҳоси келишилган нарҳда. Таҳририят вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.